

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 18 ноябрь, № 223 (6153) Сешанба

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



*“Оҳангарон цемент заводи” таклифи асосида “Наманганмаш” акциядорлик жамиятида икки турдаги задвижкалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

## Буюртмачи таклифи ва янги маҳсулот

Цементчилар яқин вақтгача бундай эҳтиёт қисмларни чет элдан олишарди. Эндиликда наманганлик машинасозлар томонидан тайёрланган шу турдаги маҳсулот пишиқлиги ва қулайлиги бўйича турдошлари билан бемалол рақобатлашади. Ўтган ойда “Оҳангарон цемент заводи”га маҳсулотнинг дастлабки туркуми етказиб берилди.

— Айни пайтда мамлакатимиздаги нефть ва газ саноати ҳамда энергетика корхоналарини 40 турдаги задвижкалар билан таъминлаб келаяпмиз, — дейди жамият бўлим бошлиғи Л. Қорабоев. — Жорий йилнинг ўтган даврида буюртмачиларга 4 миллиард 838 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16 фоиз кўп демакдир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Замонавий мажмуа ишга тушди

*Учқудуқ шаҳрида “Golden City” савдо ва хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади. Бу ердан умумий овқатланиш, компьютер хизмати шохобчалари ҳамда озиқ-овқат ва кийим-кечак дўконлари ўрин олган.*

— Ушбу лойиҳани рўёбга чиқариш учун банкнинг 200 миллион сўмлик кредитидан фойдаландик, — дейди тадбиркор Отабек Исматов. — Эндиликда маросимлар уйини, мебель, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш цехларини ҳам ишга тушириш ҳаракатидамиз.

Қувонарлиси, мажмуа фаолият бошлаши билан 20 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Симсиз интернет хизмати

*Шаҳрисабзда сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида “Wi-Fi” — симсиз интернет тизими жорий этилди.*

Шаҳарга ташриф буюрувчилар Китоб темир йўл вокзали, “Шаҳрисабз” меҳмонхонаси, Амир Темур номидаги музей ҳамда бир қатор тарихий мажмуалар атрофида ушбу замонавий қулайликдан баҳраманд бўлишлари мумкин. Айни пайтда “Wi-Fi” сигнал қамрови ҳудудини янада кенгайтириш борасида иш олиб борилмоқда.

— Компаниямиз томонидан тақдим этилаётган мазкур хизмат тури шаҳримиз меҳмонлари ва аҳоли учун кенг имконият яратди, — дейди “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали Шаҳрисабз телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Акрам Зайнитдинов. — Шу мақсадда бир неча километр масофадаги ер ости алоқа линиялари шиша толали кабелларга алмаштирилди. Бинобарин, кўп қаватли уйлар, маҳалла гузарлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, истироҳат боғлари ҳамда хиёбонларда ҳам симсиз интернет тизими жорий этилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Diplomatic Magazine»:

# «Маҳалла — фуқаролик жамияти шаклланишининг асоси»

*Яқинда Бельгия ва Нидерландиядаги оммабоп нашрлардан бири — “Diplomatic Magazine” журналининг навбатдаги сонида ана шундай сарлавҳа остида салмоқли мақола босилиб чиқди. Унда европалик ўқувчилар мамлакатимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалланинг жамиятимиз ҳаётида тутаётган ўрни ва аҳамияти билан яқиндан таништирилган.*

ЭЪТИРОФ

Мақолада қайд этилганидек, республикамиз мустақил ривожланиш йилларида катта муваффақиятларни қўлга киритишга эришди. Чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли мамлакат иқтисодиёти 5 баробар ўсди. Жон бошига ҳисобланганда аҳоли даромадлари 8,7 баравар кўпайди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, кейинги ўн йил ичида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

“Бугунги Ўзбекистон ўзбек халқининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш салоҳиятига эга ҳамда ўз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қодир бўлган мамлакат ҳисобланади”, дея таъкидланади нашрда.

Мақолада республикамизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳити, Ўзбекистон халқининг ўзгариб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ҳамда фаоллиги ортиб бораётгани ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим омиллари сифатида қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча ижтимоий-сиёсий кучларнинг бу жараёнга сафарбар қилинишида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани ҳам эътироф этилган.

Маълум қилинганидек, “Истиқлолнинг дастлабки йилларида кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ижтимоий сиёсатни самарали равишда ҳаётга татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла қайта тикланди. Маҳалла ўзбек халқининг мустаҳкам қадрияти бўлиб, мамлакатни модернизациялашда унинг аҳамияти каттадир. Бу институт ўзбек заминида узоқ даврлардан буён жамиятни бошқаришнинг анъанавий тизими сифатида шаклланиб келган ноёб ва бетакрор миллий тажриба ҳисобланади”.

(Давоми 2-бетда).

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛЛИК

хотин-қизлар қўмиталари саъй-ҳаракатида ҳам яққол намоён бўлмоқда



*Аёлни қадрлаш, оғирини енгил қилиш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантириш, ёш оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатишга оид устувор вазифалар “Соғлом бола йили” Давлат дастурида алоҳида белгилаб берилган.*



2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Поёнига етаётган йилда вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари томонидан унинг ижросини таъминлашга жиддий ёндашилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг шу йўналишда амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари бунинг ёркин далилидир.

Ёш авлод тарбияси, уларнинг тафаккури ва дунёқарашини тўғри шакллантиришда оиланинг ўрни беқиёс. Республикамизда ҳар йили 250 — 300 минг янги оила барпо бўлишини назарда тутадиган бўлсак, бугунги кунда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёш ота-оналарнинг маънавиятини юксалтириш муҳим ва долзарб масаладир. Шу жиҳатдан “Китоб — қиз сарпосининг безаги” номли лойиҳа асосида оила қураётган ёшларнинг сарпосига китобларни қўшиб бериш нафақат анъанага айланди, балки никоҳнинг маънавий мезонини юксалтирди.

(Давоми 3-бетда).

**18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун**



# Юксак ғурур ва ифтихоримиз рамзи

*Юртдошларимиз қалбида ватанпарварлик туйғусини жўш урдиришда, киндик қони томган тупроққа юксак эҳтиром ва ҳурмат билан қарашни шакллантиришда давлатимизнинг муқаддас рамзларидан бири — миллий байроғимизнинг аҳамияти беқиёс. Ўз тақдирини шу озод ва обод Ватан тақдири билан боғлаган, эзгу ният ва истакларини мамлакат тараққиётига дахлдор деб билган, миллатидан, динидан қатъи назар, жонажон Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси байроғимизнинг ҳилпираб туришидан бутун вужудида фахру ифтихор туяди.*

Бинобарин, миллий давлатчилигимиз тарихининг барча даврида байроқ Ватан тимсоли сифатида азиз ва муқаддас саналган. Хусусан, бобокалонимиз Амир Темур салтанатида давлат рамзларига алоҳида эътибор берилган. Соҳибқирон жанг майдонида бир лашкар омон қолса ҳам, у Ватани байроғини баланд тутсин, деб фармон берган. Чунки жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият белгиси, деб қабул қилинган.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунда таъкидланганидек, миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзларидан биридир.

(Давоми 2-бетда).

# Сайловолди ташвиқоти бошланди

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ва сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.*

САЙЛОВ — 2014 ЙИЛ

Маълумки, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар Қонунда белгиланган муддатларда ўзининг қурултой ва съездларини ўтказди. Ушбу тадбирларда партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партиялар раҳбарларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари билан бирга, уларга илова қилинадиган ҳужжатлар, хусусан, сиёсий партия юқори органининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси тақдим қилинди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва масъул ходимларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳ сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган мазкур ҳужжатларни Қонунда белгиланган муддат ичида текшириб чиқди. Бунда депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилганлиги, ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатилганлиги, шу билан бирга, уларнинг депутатликка номзодларга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш жараёни сайлов қонунчилиги талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилди, — деб таъкидлади Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов хориж ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари учун ташкил этилган матбуот анжуманида. — Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига биноан, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил қилиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

# Обод юртнинг мафтункор гўшалари

Қишлоқларимизнинг кун сайин чирой очиб, янгича қиёфа касб этишида тижорат банклари ҳам тобора муҳим роль ўйнамоқда.

*Мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисми истиқомат қилаётган қишлоқ жойларни янада обод қилиш, одамларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва ҳаёт тарзини тубдан яхшилашга қаратилган ислоҳотлар бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.*

БУНЁДКОРЛИК

Натижада юртимизнинг энг чекка гўшалари ҳам тобора чирой очиб, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовут тобора камайиб бораётир. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш — бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий мазмунини ташкил этади”.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистонимизнинг қайси бир туманида бўлманг, улкан бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган якка тартибдаги уй-жой массивлари ўзининг замонавий муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма ечимлари билан кишида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

(Давоми 4-бетда).

АНЖУМАН

*Шу йилнинг ўтган даврида Фарғона вилоятидаги 90 та тадбиркорлик субъекти бевосита Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмаги билан 102 миллион АҚШ долларилик маҳсулотини экспорт қилишга эришди.*

# Экспорт фаолияти суғурталанади

Бу мазкур соҳа ривожи йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ишбилармонларга қатор имтиёз ва енгилликлар берилаётгани самарасидир.

Фарғона шаҳрида ташкил қилинган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. “Кафолат” ДАСК ҳамда “Ўзмиллийбанк” қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, суғурта компаниялари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

«Diplomatic Magazine»:

# «Маҳалла — фуқаролик жамияти шаклланишининг асоси»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Асрлар давомида маҳалла бир ҳудудда истиқомат қилувчи ва ягона ахлоқий, маданий қадриятлар, манфаатлар, анъана ва удумлар орқали боғланган одамларнинг йиғини бўлиб келган. Унда худди катта ва аҳил оиладагидек ўзаро ёрдам, адолат ва инсонийлик руҳи ҳукмронлик қилган. Бугун мазкур орган жамиятни демократлаштириш, тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлиши баробарида, ўз ҳудудини бошқариш, аҳолига аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш, одамларнинг турмуши билан боғлиқ кўплаб ижтимоий, гуманитар масалаларни ҳал қилиш борасида катта ваколатларга эгадир”, деб ёзилади нашрда.

1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганидан бошлаб маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш йўналишидаги тизимли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда ташкил этилади. Улар республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиш жараёнида қатнашади. Давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади”.

Мақолада маҳалла институтининг оила ва аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ёшлар орасида жиноятчиликни бартараф этиш сингари янги вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидланганидек, “Бугунги кунда маҳалла илгари давлат ҳокимиятининг жойлардаги органлари ваколатида бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги вазифаларни бажармоқда”.

“Шуни қайд этиш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқаролик жамиятининг демократлашуви ва унинг мустаҳкамланиши учун шарт-шароитларни яратади”, деб ёзилади нашрда. Ҳақиқий демократиянинг олий мазмуни — фуқаролар ўртасида миллатлараро, ҳукумат ва жамоатчилик муносабатларини уйғунлаштириш, яъни инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти ўзаро тинчликда ва ҳамжиҳатликда яшашини таъминлашдан иборатдир. Фуқаролик жамиятининг уч асосий унсури мавжуд — суверен шахс, жамият ва ҳукумат. Ўзбекистонда аллақачон фуқаролик жамияти тараққиёти учун қулайликлар яратадиган, замонавий жамиятда анъанавий фуқаролик институтларининг фаолияти учун оқилона модель сифатида намоён бўладиган тизим барпо этилган”.

Шунингдек, мақолада маҳалланинг ўрни жойлардаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга оид масалаларнинг ечими билан чегараланиб қолмагани ва бу институт кўмагида маънавиятни, анъанавий ахлоқий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш сингари кўпгина долзарб муаммоларни ҳал этиш мумкинлиги ҳам қайд этилади. “Мазкур институтнинг жамиятда ўзаро муносабатларни шакллантириш ҳамда миллий қадриятларни ривожлантиришдаги аҳамияти чексиздир. Шу боис ижтимоий муҳофаза ва оилани мустаҳкамлаш жабҳасидаги Ўзбекистон тажрибаси барқарор демократик тараққиётга интилаётган кўплаб мамлакатлар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин”, деб ёзади “Diplomatic Magazine”.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель




***“Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси.

# Инсон манфаатлари — олий қадрият

Бугун тиббиётимиз эришган ютуқлардан бири — тезкор ва аниқ ташхис қўйиш, самарали даволаш имкониятларининг тобора кенгайиб бораётганида. Бунда шифо масканларининг илғор ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаётгани, инновацион технологиялар изчил татбиқ этилаётгани ҳамда соҳа ходимлари малакаси босқичма-босқич ошириб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, айни кунда Бухоро вилоятида 401 даволаш-профилактика муассасаси фаолият кўрсатаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида Инвестиция дастурига мувофиқ, улардан саккизтасида реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, 2015 йилда яна 37 миллиард сўмлик бунёдкорлик юмушларини бажариш кўзда тутилган. “Саломатлик-3” лойиҳаси маблағлари ҳисобига Олот, Қоракўл, Жондор ва Пешку туманлари тиббиёт муассасалари учун 2,6 миллиард сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар ажратилди. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази хориж гранти асосида 186 минг евро миқдоридаги тиббий ускуналар билан таъминланди.

Вилоятимизда репродуктив ёшдаги хотин-қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан таъминлаш, она-бола скрининг хизматини ривожлантириш, неонантал ва перинатал ёрдамни самарали ташкил этиш, оилада тиббий маданиятни оширишга устувор вазифа сифатида қаралаяпти. Хусусан, ишга тизимли тарзда ёндашув яхши самара бермоқда. Чунончи, шаҳар ва қишлоқларда яшовчи 500 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёллар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси яратилди. Ушбу база онлайн режимда янгиланиб борилаяпти. Келгусида 18 ёшгача бўлган болалар бўйича, шунингдек, эндокрин хасталиклар, онкологик, юқумли, сил ва юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар бўйича ҳам шундай электрон базалар яратиш режалаштирилган.

Вилоят даволаш-профилактика муассасалари ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасида фаолият кўрсатаётган акушер-гинекологларнинг қишлоқ врачлик пунктларига бориб, амалий ёрдам кўрсатишлари ҳам тизимли тарзда йўлга қўйилган. Ҳар куни 12 нафар малакали мутахассис тасдиқланган жадвал асосида туманларда бўлади. Пировардида жорий йилнинг ўтган даврида салкам эллик минг нафар фертиль ёшидаги аёлларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Натижада хотин-қизлар ўртасида учрайдиган турли касалликлар 27,9 фоиз, шу жумладан, асоратли туғуруқлар 32,9 фоиз камайди. Ҳомиладор аёлларнинг оғир аҳволда туғуруқ муассасаларига мурожаати эса 58,7 фоиз камайгани кузатилди. Умуман, ўтган давр мобайнида вилоят аҳолисининг 96,7 фоизи чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган умумий амалиёт врачларининг билим савиясини янада оширишга ҳам тизимли ёндашиляпти. 276 та ҚВПнинг 200 нафар шу ихтисосдаги шифокори 12 та йўналиш бўйича ўқитилаяпти. Бунда вилоят тиббиёт муассасалари бош мутахассисларининг жойларга бориб ўқувларни ташкил этишлари ижобий натижа бермоқда. Соғлом бола йилида амалга оширилаётган бу каби кенг қамровли ишлар кўпчиликнинг назарига тушаяпти. Шу йилнинг ўтган даврида вилоят соғлиқни сақлаш тизимида республика ва халқаро даражадаги бешта анжуман ўтказилгани ана шундан далолат беради. Хусусан, “Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда амбулатор-поликлиника муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича 2014 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар” мавзуидаги республика семинари мазмунли кечди. Унда барча вилоятлардан соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари ташриф буюриб, Бухорода аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишларни ўргандилар, Бухоро тажрибасини ўзларида татбиқ этиш учун етарли маълумотларга эга бўлдилар. Бу ҳақда тўхталишимиз бежиз эмас. Инсон манфаатларига қаратилган тизимли ишлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан чуқур таҳлил қилиниб, шу йилнинг 8 майида вазирликнинг “Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш борасида Бухоро вилоятида амалга оширилаётган тизимли ишларни барча ҳудудларда татбиқ қилиш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинди. Шу тариқа тўпланган тажриба оммалаштирилди.

Аҳоли саломатлигини асраш борасида эришилаётган ютуқларда жонкуяр тиббиёт ходимларининг ҳиссаси катта, албатта. Биз келгусида ҳам соҳани янада ривожлантириш, халқимизга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш йўлида ўз куч ва билимимизни аямаймиз.

**Икром АМОНОВ,**
**Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори.**

# Юксак ғурур ва ифтихоримиз рамзи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида ҳилпираб турган юзлаб байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳиссини тўлқинлантиради.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттирадиган омиллардан бири ҳам айнан байроғимиздир.

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар байроқ олдида тиз чўкиб, уни кўзига суртади. Жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик завқини суради.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид ранглли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг — мусаффо осмон ва тиниқ сув еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида давлатимиз ошадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Буюк келажак, эртанги кунга умид ва ишонч тимсоли — Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини ёрқин акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз эса беғуборлик, мукаммаллик, донишмандлик каби сифатлар ифодасидир.

— Муқаддас байроғимизни ҳар куни кўзларимизга тўтиёлар қилсак арзийди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Гурлан туманидаги 5-мактаб директори Анора Маҳмудова. — Чунки у миллий ўзлигимизни англатиб турувчи, шу билан бирга, навқирон авлодни эл-юртга садоқатли фарзандлар этиб тарбиялашга ундовчи қудратли рамздир. Ўқитувчилик касбидан обрў-эътибор топган мутахассис ҳамда она сифатида айтаманки, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи саналган ўғил-қизларимизни Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлишга, демакки, юртимиз байроғини баланд кўтаришга қодир этиб тарбиялашга хизмат қилаётгани, шубҳасиздир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# Сайловолди ташвиқоти бошланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган номзодларнинг 31,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Парламент қуйи палатаси депутатлигига номзодлар орасида таълим-тарбия соҳаси вакиллари 26,5 фоизни, иқтисодчилар 20,8, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари 20,2, ҳуқуқ соҳаси вакиллари 14,2, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари 10,1 фоизни ташкил қилади. Номзодларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, улар катта ҳаётий тажрибага эга. Шу билан бирга, номзодларнинг 13,8 фоизи илгари ҳам депутатликка сайланган.

Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг рўйхати номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, қайси партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан бошлаб, сайлов жараёнининг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти бошланади. Бу жараён сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга оширилади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар яратилади. Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиш, сиёсий партияларнинг ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида уларнинг барча оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо тартибида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартишларга биноан сиёсий партиялар сайловчилар билан учрашувларини мустақил равишда ўтказади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, сайловолди ташвиқотининг адолатли, очиқ ва ошкора олиб борилиши учун барча сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратилиши сиёсий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги асосидаги соғлом рақобатни таъминлайди.

Дарҳақиқат, сайлов кампанияси тобора қизғин паллага кириб бормоқда. Юртимизда бўлажак парламент сайловига халқаро жамоатчилик катта қизиқиш билан қарамоқда. Ҳозирги кунда халқаро ташкилотлар ва қатор хорижий мамлакатларнинг кўплаб вакиллари Ўзбекистондаги сайловда кузатувчи сифатида иштирок этишини маълум қилишди. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси томонидан 300 дан ортиқ хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари ходимлари аккредитациядан ўтказилди.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# «Камолот» уйлари бунёд этилмоқда

**Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Андижон вилоятида ҳам “Камолот” уйлари барпо этилмоқда.**



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Айни пайтда бунёдкорлик ишлари Андижон шаҳри, Асака ва Балиқчи туманларини қамраб олган бўлиб, мазкур турар-жойларни белгиланган муддатларда ҳамда сифатли қуриш ишларига тажрибали бинокорлар жалб қилинган. Хусусан, Андижон шаҳридаги 48 хонадонли уй “Анд-констракшн” масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан тикланаётир.

— Ҳозир объектда сўнгги пардозлаш ишларини олиб бораяпмиз, — дейди жамият мутасаддиларидан бири Қодиржон Нўъмонов. — Эътиборлиси, ушбу уйлар замонавий архитектура анъаналари асосида қад ростламоқда. Бундай хонадонларда ёш оиланинг фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит муҳайё этилади.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

# Ташаббускор ва интилувчан ёшлар

## иқтисодий тараққиётимиз таянчи ҳамда бунёдкорларидир

*Пойтахтимизда “Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам” шиори остида ўтказилган кўргазма ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

ЯРМАРКА

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол вояга етишлари, ўзлари меҳр қўйган касб-ҳунар сирларини пухта ўрганишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилганини алоҳида таъкидлашди. Бугунги кунда коллеж битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, улардаги ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самараларни бермоқда. Бинобарин, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур форум ёшларимиз эришаётган ютуқларни кенг намойиш этиш билан бирга, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам хизмат қилаётгани аҳамиятлидир.

Икки кун давом этган кўргазмада намойиш қилинган маҳсулотлар билан танишар экансиз, улар юқори сифати, бежирим дизайни билан ички ва ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша олишига амин бўласиз. Бу баркамол авлод вакилларининг бизнес илмини яхши ўзлаштираётганидан, ташаббускор ҳамда янгиликка интилишидан далолат беради.

— Тадбир давомида кўплаб тенгдошларимнинг бизнесдаги ютуқлари ва фойдали лойиҳалари билан танишдим, — дейди қорақалпоғистонлик Гулмира Абдухолиқова. — Ўз навбатида, хусусий корхонамизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик буюмларимизни намойиш қилдик. Қувонарлиси, маҳсулотларимиз кўпчиликка манзур бўлиб, шу ернинг ўзида бир нечта ташкилот ҳамда корхоналар билан шартномалар имзоланди.

Навқирон фермерлар томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам кўргазмага ташриф буюрганлар эътиборидан четда қолмади. Жумладан, Хатирчи туманидаги деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган “Мадраҳим Дилафрўз” фермер хўжалиги экспозицияси одамлар билан гавжум бўлди. Фермер Нурмуҳаммад Бобоназаровнинг айтишича, мазкур хўжалик тасарруфида 177,7 гектар ер майдони бўлиб, ҳар йили мўл-кўл боғ ҳамда дала неъматлари етиштирилмоқда. У келгусида чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик тармоқларини йўлга қўйишни ҳам режалаштирган.

Ярмарка якунида кўргазма доирасида ташкил этилган танлов ғолиблари аниқланиб, тақдирланди. Унга кўра, Наманган туманидаги “Водий ёғоч савдо” хусусий корхонаси раҳбари Исломбек Қутбиддинов “Йилнинг энг намунали ёш тадбиркори”, Қумқўрғон туманидаги “Ражаб полвон Абдуллаев” фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Абдуллаев “Йилнинг энг намунали ёш фермери” ҳамда тошкентлик ҳунарманд Тоҳиржон Ғозиев “Йилнинг энг намунали ёш ҳунарманди” номинацияларида ғолиб бўлди.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

# Экспорт фаолияти суғурталанади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини суғурта қилиш орқали уларни турли қалтисликлардан ҳимоя қилиш тартиби жорий этилди, — дейди жамғарманинг Фарғона филиали раҳбари Шокиржон Аҳмедов. — Мазкур тадбирда амалга киритилган янги тартиб ва қоидалар мазмун-моҳияти вилоятимиз ишбилармонларига атрофлича тушунтирилди. Зеро, бу маҳаллий тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқишида катта имкониятлар эшигини очади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оғир атлетикачиларимиз Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди



*Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида оғир атлетика бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритиб, 2016 йилда Бразилияда бўладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг саккизта йўлланмасини нақд қилиб қўйишди.*

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Нуфузли мусобақада 72 давлатдан 700 га яқин энг тажрибали оғир атлетикачилар иштирок этди. Шу боис баҳслар ҳам қизиқарли, ҳам муросасиз кечди.

Ҳамюртимиз Руслан Нурудинов (-105 кг.) ўзига билдирилган ишончни яна бир карра оқлади. У даст кўтаришда 193 кг. натижа билан олтин, силтаб кўтаришда 239 кг. тошни бўйсундириб бронза, иккикураш якунларига кўра, 432 кг. кўрсаткич билан кумуш медалга сазовор бўлди. Моҳир спортчимиз шу орқали ўзининг шахсий рекордини ҳам янгилади. Руслан ўтган йили Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида 425 кг. оғирликни бўйсундирган эди.

Вазни 85 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида яна бир тажрибали атлетимиз Улуғбек Алимов кумуш медални қўлга киритди. У силтаб кўтаришда 213 кг. натижа қайд этди.

Терма жамоамиз муваффақиятига Сардорбек Дўстмуродов, Достон Ёқубов, Муҳаммад Бегалиев, Адҳамжон Эргашев ва Иван Ефремов ҳам муносиб ҳисса қўшди.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг учта йўлланмасини аёллар терма жамоаси қўлга киритди. Бунда Маҳлиё Тоғаева, Манзура Мамасолиева, Фарангиз Шомуродова, Лола Қодирова ва Марина Сисоева кўрсатган натижалар муҳим аҳамият касб этди.

Оғир атлетикачиларимизнинг ушбу муваффақияти мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак даражадаги эътиборнинг яна бир ёрқин самарасидир.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори вакилларимизнинг нуфузли халқаро беллашувларда юқори натижалар қайд этишида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ҳамда уларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилган.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган "Энг намунали оила" кўрик-танлови орқали оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришга ҳаракат қилдик, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Озода Парпибоева. — Тўққиз мингдан ортиқ оила иштирок этган танловнинг республика босқичида жамиятда обрў-эътиборга эга, фарзандлари шуғулланаётганлар сони тобора ортиб бормоқда, — дейди шўрчилик тадбиркор Сайёра Абрайқулова. — Менинг баскетбол ва минифутболга мўлжалланган "Сунъий қопламали спорт майдончаси" қуришга оид лойиҳамни амалга ошириш учун тижорат банки томонидан 60 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада 6 та янги иш ўрни яратилди. Айни чоғда мазкур стадионда юзлаб болалар бир қатор спорт турлари билан шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқда.

Қорақалпоғистон аёллари учун иқтисодий имкониятларни кенгайтиришга қаратилган лойиҳа бўйича эса Мўйноқ туманидан юз нафар хотин-қизнинг иқтисодий билимлари оширилгани диққатга сазовор.

— Ҳозирги вақтда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар, шу жумладан, қизлар тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этилмоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова. — Албатта, бунда тижорат банкларининг молиявий кўмаги катта бўлаётир. Хусусан, ўтган даврда улар томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига жами 168,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 59,8 млрд. сўми айнан қизлар учун йўналтирилган. Ўтган йили республикамиздаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 49 фоизини қизлар ташкил этди. Қўмитамиз ташаббуси билан жамоатчилик ва масъул ташкилотлар ҳамкорлигида битирувчи қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 1700 та штаб тузилди. Ҳамкорликдаги ишлар натижасида 201 минг 33 нафар битирувчининг иш билан таъминланишига эришилди.

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛЛИК

## хотин-қизлар қўмиталари саъй-ҳаракатида ҳам яққол намоён бўлмоқда

тарбиясида барчага ўрнак бўлган 14 та ғолиб оиланинг ҳаётий тажрибалари, муваффақиятлари ибрат қилиб кўрсатилди. Бу, ўз навбатида, ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни турмушнинг паст-баландини енгиб ўтишларига кўмаклашишда катта роль ўйнашига ишончим комил.

Шу билан бирга, фарзандларимиз онгига миллий қадриятларимизни сингдириш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш мақсадида республикадаги 5000 га яқин мактабгача таълим муассасаларида "Зумрадойлар давраси" тўгараклари ташкил этилди. Буни ҳам тарбияни, хусусан, оила ва таълим-тарбия муассасалари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган, болалар руҳиятига миллий қадриятларни сингдириб борадиган усул, деб айтиш мумкин.

Қайд этиш жоизки, аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи аёллар турмуш даражасини янада яхшилаш, тадбиркорлигини ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Чунончи, "2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси" танловида фаол иштирок этган 15 нафар аёлнинг ижтимоий аҳамиятга молик бизнес лойиҳалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга 2,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

— Бугун биз каби аёлларнинг илғор ғоя ва ташаббуслари рўёбга чиқарилиб, тадбиркорлик билан



Дарҳақиқат, Давлат дастурида бу борада белгиланган вазифалар юртимиз аёлларининг тадбиркорлик қобилияти, умуман, имкониятларини тўла-тўкис юзага чиқармоқда. Хусусан, ўтган даврда аёллар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 745,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, аёлларни тадбиркорликка ўқитиш ва уларда корхонани самарали юритиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Тошкент, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Навоий вилоятларидан минг нафар,

Аёнки, фарзандларимизни соғлом ва баркамол вояга етказишда хотин-қизлар саломатлигини асраш, уларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутади. Зеро, соғлом бола соғлом онадан туғилади, соғлом турмуш тарзи қарор топган оилада вояга етади. Шу боис аҳолига, жумладан, болалар ва аёлларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини яхшилашга жиддий ёндашилмоқда.

— Қўмитамиз томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аёллар саломатлигига эътиборни кучайтириш, ёшлар ўртасида соғлом оила қуриш, фарзандлар тарбияси бўйича тизимли асосда тушунтириш ишлари олиб борилаяпти, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нилуфар Тожибоева. — Бунинг самарасида ўтган даврда фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиклари доирасида 7 миллионга яқин туғиш ёшидаги аёл ва салкам 7 миллион нафарга яқин бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштирилди. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги туманларда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида 204 минг 123 нафар фуқаро, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида республика миқёсида қарийб 274 минг нафар никоҳланувчи шахс тиббий кўрикдан ўтказилди. Айни чоғда хотин-қизларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадида профилактика чора-тадбирлари кучайтирилмоқда.

"Соғлом она — соғлом бола" лойиҳаси доирасида соғлом турмушни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш бўйича яратилган www.soglik.uz портали ёш ота-оналарнинг репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасидаги тушунчаларини янада бойитишда муҳим омил бўлаётир.

Мухтасар айтганда, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, ёшларда она-Ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштиришда дастуриламал бўлмоқда.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ТАНЛОВ

*Пойтахтимизда "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи бошланди.*

# Истиқболи порлоқ юлдузлар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Камалак" болалар ташкилоти томонидан ўтказилаётган мазкур фестиваль Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси асосида ташкил этилмоқда.

Фестиваль мамлакатимизда иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва маҳоратларини намоён қилишлари учун кенг имконият яратиш, миллий санъат анъаналари ва йўналишларини сақлаб қолиш, ривожлантириш ҳамда давом эттиришга хизмат қилаяпти. Шу боис санъатга ошно ёш авлод вакиллари сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Жумладан, мамлакатимиз миқёсида бу йилги танловда иштирок этиш истагини билдирган 6 — 15 ёшгача бўлган ижодкор ва иқтидорли ёшлардан жами 37 600 та ариза қабул қилинди. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан 3 500 та кўпдир.

Таъкидлаш керакки, танловнинг республика босқичида 698 нафар ўғил-қиз миллий чолғулар, тасвирий ва амалий санъат, қўшиқчилик, рақс, шеърият ва адабиёт йўналишларида ўз маҳоратини намойиш этишаяпти.

Шунингдек, Миллий рақс ва хореография олий мактаби, Республика рассомчилик коллежи, В. Успенский номидаги ҳамда Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларида иштирокчилар учун санъат арбоблари, рассомлар, халқ усталари, ёшлар мураббийлари, малакали мутахассислар томонидан маҳорат дарслари, "Устоз сабоқлари" машғулотлари бўлиб ўтаяпти. Бундан ташқари, фестиваль доирасида иштирокчиларнинг Ўзбекистон давлат тарихи, Темурийлар тарихи давлат музейлари ҳамда азим пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшаларига саёҳатини уюштириш ҳам режалаштирилган.

**Д. АБДУРАИМОВ.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий молиявий йилнинг ўтган тўққиз ойида жаҳонга машҳур "Airbus" авиасозлик компаниясининг даромади 14 фоиз ошди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

### Тахмин қилинганидан кўп



Бу кўрсаткич аввалроқ таҳлилчилар тахмин қилганидан анча кўп. Чунки экспертлар мазкур даврда "Airbus" даромади 1,7 фоиз ўсишини билдиришган эди.

Компания сўнгги пайтларда маҳсулот етказиб бериш борасида бир нечта йирик шартнома имзолагани туфайли ана шундай ижобий натижага эришди.

### Тикланиш жараёни

*Июль — сентябрь ойларида еврохудудда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,2 фоиз ўсди.*

Бу ягона валюта бирлигига аъзо давлатлар иқтисодиётида кетма-кет иккинчи чоракда ижобий кўрсаткич қайд этилишидир. Хусусан, бундан аввалги уч ойда ЯИМ ҳажми 0,1 фоиз ошганди.

Мазкур натижалар эълон қилиниши билан таҳлилчилар еврохудуд иқтисодиёти аста-секинлик билан бўлса-да, тикланиш жараёнига ўтди, деган фикрларни илгари суришмоқда.

### Тунги фожиа

*Хитойнинг Шаньдун провинциясидаги сабзини қайта ишлаш корхонасида ёнғин рўй берди.*

Оқибатда 18 киши ҳаётдан кўз юмди, 13 нафар одам тан жароҳати олди. Тўрт кишининг тақдири эса номаълумлигича қолмоқда. Бахтсиз ҳодиса душанба куни тунда Шоугуан шаҳрида содир бўлган. Ўша пайтда ишлаб чиқариш муассасасида 140 нафар ходим бор эди.

Ёнғин сабаби ўрганилаяпти.

### Олти йилда биринчи марта

*Англиянинг Йоркшир графлигидаги ўрдак фермасида парранда гриппи аниқланди.*



Мамлакат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг таъкидлашича, бу инсон ҳаёти учун хавфли саналган "H5N1" вируси эмас. Шу боис унинг одамга юқиш эҳтимоли жуда кам.

Парранда гриппи билан боғлиқ ҳолат Буюк Британияда сўнгги олти йил ичида биринчи марта кузатилди. Ноябрь ойи бошида эса Германияда унинг "H5N8" тури аниқланган эди.

### Энг қиммат соат

*Женевада ўтказилган "Sotheby`s" аукционида чўнтак соати 21,3 миллион АҚШ долларига сотилди.*

Олтиндан ясалган ушбу қимматбаҳо буюмнинг оғирлиги 500 граммга тенг. Соат 1930 йилда АҚШлик банкир Генри Грэйвс буюртмасига биноан, Швейцариянинг "Patek Philippe" компанияси томонидан тайёрланган. Бунинг учун етти йил сарфланган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

ЭЪЛОНЛАР


**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2014 йил 27 ноябрь куни ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
- «Nissan maxima» русумли, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/062DCA.

***Бошланғич баҳоси — 59 058 000 сўм.***
- «ДЭУ супер салон» русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/129EBA.

***Бошланғич баҳоси — 15 307 200 сўм.***

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уйда жойлашган, Тошкент автомобиль йўллар институти балансидаги:
- «КамАЗ-5320» русумли, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/695ZBA.

***Бошланғич баҳоси — 12 298 618 сўм.***
- 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «ИФА ВЛ-152» русумли, давлат рақами 10BF084.

***Бошланғич баҳоси — 4 107 219 сўм.***

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 2-уйда жойлашган, «Maxam Chirchiq» ОАЖ балансидаги:
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10/150SAA.

***Бошланғич баҳоси — 4 361 000 сўм.***
- 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10/170SAA.

***Бошланғич баҳоси — 4 501 000 сўм.***
- 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10/671RAA.

***Бошланғич баҳоси — 4 469 000 сўм.***

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хондайлиқ» ҚФЙда жойлашган, «Ғазалкент» соғломлаштириш маркази балансидаги:
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-3307» русумли, давлат рақами 10/853WAA.

***Бошланғич баҳоси — 16 411 100 сўм.***

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уйда жойлашган, «Ўзбекинвест» ЭИМСК балансидаги:
- 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗСА 3770-20» русумли, давлат рақами 01/418OAA.

***Бошланғич баҳоси — 20 517 000 сўм.***

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 45-уйда жойлашган, «Toshkentvino kombinati» ЧЭИИ АЖ балансидаги:
- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, КАВЗ-3270» русумли, давлат рақами 01/043MBA.

***Бошланғич баҳоси — 4 483 724 сўм.***

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уйда жойлашган «Ўзэкспомарказ» АЖ МКК балансидаги:
- 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5201» русумли, давлат рақами 01/489FBA.

***Бошланғич баҳоси — 3 300 011 сўм.***

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уйда жойлашган «Asia pi peplast» МЧЖ балансидаги:
- 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5410» русумли, давлат рақами 01/063EAA.

***Бошланғич баҳоси — 21 243 500 сўм.***

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Зарафшон кўчаси, 4-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошидаги Қимматбаҳо металлар агентлиги балансидаги:
- 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «КАВЗ-3976» русумли, давлат рақами 01/956QAA.

***Бошланғич баҳоси — 11 224 476 сўм.***

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Алимкент 1-тор кўчаси, 1-уйда жойлашган, тугатилаётган «O'zavializing» ОАЛК балансидаги:
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 01/538ECA.

***Бошланғич баҳоси — 8 910 000 сўм.***

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, «Ц» даҳаси, 2/1-уйда жойлашган, Чилонзор тумани молия бўлими балансидаги:
- 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-31100» русумли, давлат рақами 01/802XCA.

***Бошланғич баҳоси — 11 482 757 сўм.***

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 27-уйда жойлашган, «Тошметроқурилиш трестининг механизация бошқармаси» ДК балансидаги:
- 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 01/823UAA.

***Бошланғич баҳоси — 3 222 500 сўм.***
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «SL-290LC-V» русумли экскаватор, давлат рақами 64-50 ЕЦ.

***Бошланғич баҳоси — 74 000 000 сўм.***

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Зарафшон кўчаси, 21-уйда жойлашган, тугатилаётган ХОАТБ «Алп Жамол банк» балансидаги:
- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Massey Ferguson MF-8160» русумли трактор, 10 тишли омочи (плуг) билан, давлат рақами 43-11 НЕ.

***Бошланғич баҳоси — 185 550 415 сўм.***

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Юнусобод» қишлоқ кенгаши, Дархон қишлоғида жойлашган, «Davlat belgisi» ДИЧБ Тошкент қоғоз фабрикаси балансидаги:
- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «АБП-8С» русумли автомобилларга ёқилғи қуйиш контейнер блок пункти қайта қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 6 452 900 сўм.***

2014 йил 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уйда жойлашган, «Ўзэкспомарказ» АЖ МКК балансидаги, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, «Полип» русумли болалар кўнгилочар ўйингоҳи (аттракцион) қайта қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 58 340 000 сўм.***

**Очиқ аукцион шартлари.**

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари, мулк сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади (тугатилаётган «Ўзэкспомарказ» АЖ МККнинг мулклари бундан мустасно). Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали). Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (0-371) 233-02-49, тел./факс: (0-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

Газетанинг 2014 йил 14 ноябрдаги 221-сонида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бўйича берилган эълон матнининг биринчи хатбошиси «Аукцион савдоларига» сўзлари ўрнига, «Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга» деб, ўқилсин.

Гувоҳнома № 005357.

1822R/40



**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 8 сентябрдаги 18-1403/18821-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз шаҳри, «Савдо» МЧЖга тегишли, Шаҳрисабз шаҳри, «Дўстлик» МФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3476 кв.м., қурилиш майдони 1529,96 кв.м. бўлган маъмурий ва омборхона бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 225 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ФИБ Қарши туманлараро судининг 2014 йил 16 июлдаги 1-3350-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Навбаҳор ҳамкор транс» ХФга тегишли, Қарши шаҳри, Жайхун кўчасида жойлашган, 2 қаватли, умумий ер майдони 4208,47 кв.м., қурилиш майдони 688,16 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д-литерлардаги маъмурий ва ёрдамчи бинолар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 318 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 19 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms uz**

1821R/1453



**«Чўлпон» НМИУ**

**FR 3950 EP-а русумли**

**РИЗОГРАФ**

**сотади.**

**2001 йилда ишлаб чиқарилган.**
**Асосий кўрсаткичлари: М/ка 011.988;**
**Прогон 3.386.334; Баҳоси — 6.000.000 сўм.**

**Пул ўтказиш йўли билан.**

**Тел.: (0-371) 244-58-55**
**(+99890) 370-20-11.**

1754A/872


Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Умумий хирургия, топографик анатомия ва оператив хирургия асослари кафедрасининг доценти **Зоир Тўхтамуродович РИХСИБОЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.




# ОБОД ЮРТНИНГ МАФТУНКОР ГЎШАЛАРИ

**Қишлоқларимизнинг кун сайин чирой очиб, янгича қиёфа касб этишида тижорат банклари ҳам тобора муҳим роль ўйнамоқда.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида бошланган бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишлари йил сайин жадал тус олмоқда. Ҳар йили минг-минглаб кўркам тураржойлар қурилиб, қишлоқ аҳлига "калити билан" топширилаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Исботми? Агар 2010 йилда республикамиз бўйича намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги 6800 та тураржой қурилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 7400 тани, 2012 йилда 8510 тани, 2013 йилда 10 000 тани ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 11 000 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

**Бизнинг шарҳ**

*"Қишлоқ қурилиш банк" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги 1083-сонли қарори асосида ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиб, кўркам уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини барпо қилишда фаол иштирок этиш каби устувор вазифалар юклатилган. Шундан келиб чиқиб, банк томонидан 2009 — 2014 йиллар давомида 44557 та уй-жой қурилиши учун аҳолининг 1 764,2 трлн. сўмдан зиёд маблағлари ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан 2 562,3 трлн. сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.*

## Бунёдкорлик салоҳиятимиз кўзгуси

Тўғри, юртимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари азалдан ривожланган. Аждодларимизнинг юксак салоҳияти ва азму шижоати билан бунёд этилган тарихий обидаларимиз асрлар давомида дунё аҳлининг ҳайратини ошириб келаётгани бежиз эмас. Бироқ гапнинг лўндасини айтганда, истиқлол йилларидагина ана шу анъанамиз ўзгача маъно-мазмун касб этди. Иншоотлар, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган якка тартибдаги тураржойлар ўзида миллийлик ва замонавийликни мужассамлаштиргани боис қишлоқларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой бағишламоқда.

Бу жараёнда барқарор ва ишончли фаолият юритаётган молия-банк тизими фаоллиги ошиб бораётгани ютуқларимизни янада мустаҳкамлаяпти. Хусусан, "Қишлоқ қурилиш банк" эзгу ташаббусларнинг молиявий мададкори сифатида улуғ мақсад-муддаоларимиз рўёбида камарбаста бўлаётир. Пировардида янги қишлоқ массивларида тураржойлар билан бирга, ижтимоий соҳа объектлари, коммуникация тармоқлари ҳам барпо этилаяптики, бундай қишлоқларни кўриб, гўё кичик шаҳарча дейсиз. Масалан, ўтган йиллар давомида қурилган уй-жой массивларида жами 1244,2 километрлик автомобиль йўллари, 1345,9 километрлик электр энергияси ва 1742,8 километрлик газ тармоқлари ҳамда 2020,4 километр узунликдаги сув қувурлари тортилди. Бундан ташқари, маҳалла гузарлари, болалар боғчалари ва спорт майдончалари, мактаблар ҳамда бозорчалар, қишлоқ врачлик пунктлари, минибанклар, қўйингки, инсон кундалик ҳаёти учун зарур бўладиган барча шарт-шароит муҳайё этилди.

Қувонарли жиҳати, қурилаётган уй-жойларнинг эгаларига бир қатор енгилликлар ҳам берилаяпти. Молия муассасалари томонидан уларга 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставка бўйича кредит ажратилиши, уй битгач эса, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олиниши, газ, сув, электр энергияси ва бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз уланиш каби имтиёзлар ана шулар жумласидан бўлиб, шубҳасиз, бу Юртбошимиз томонидан илгари сурилган оқилона сиёсатнинг ижобий самарасидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2013 йил 15 ноябрда имзоланган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил Дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилда 151 туманнинг 330 та массивида 11000 та уй-жой қурилди. Уларнинг умумий майдони 1534,7 минг кв. метр бўлиб, лойиҳавий қиймати 1760,0 млрд. сўмни ташкил этади.

Дастурнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, уй-жойлар қурилишига жами 1702,6 млрд. сўм миқдорида маблағлар йўналтирилган бўлса, шундан 1014,8 млрд. сўми банклар томонидан ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келди.

Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур стратегик муҳим вазифанинг изчил ижросини таъминлашда кўплаб нуфузли халқаро молия институтлари ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, 2011 йилда Осиё тараққиёт банки томонидан жами 500 млн. АҚШ доллари миқдоридаги "Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни ривожлантириш" лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастури маъқулланди. Унга кўра, ушбу молия муассасаси томонидан ажратилган 333,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ томонидан ўзлаштирилиб, уй-жойлар қурилишини молиялаштиришга йўналтирилди.

## Ноёб тизимга юксак баҳо

Қишлоқларимизнинг бугунги жамоли билан кечаги кўринишини асло таққослаб бўлмайди. Буни, айниқса, кекса авлод вакиллари яхши билишади. Чунки бундан 24-25 йил муқаддам қишлоқ дейилса, гуваладан кўтарилган кўримсиз уйлар, қишда лой, ёзда тупроқ кўчалар тушуниларди. Қишлоқ аҳолиси саратонни лой чангаллаб, қаҳратонни қор кураб ўтказишга мажбур эди. Ахир пахса деворлар, лойсувоқли томлар бир қишдан ортмас эди-да!

Истиқлол йилларида озод Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо қилишдек олий мақсад йўлида ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, қишлоқ жойларда пишиқ ғиштдан кўркам уйлар бунёд қилина бошланди. Натижада юртимизнинг олис ҳудудлари қиёфаси ҳам кун сайин гўзаллашиб бораётир.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳим шарти саналмиш замонавий уй-жой қурилиши борасида қўлга киритилаётган ютуқларимиз эса халқаро доирада катта қизиқишларга сабаб бўлаётир. Ана шундай талаб-истаклар инобатга олиниб, ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуида халқаро конференция ташкил этилган эди.

Бу нуфузли анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Италия, Ҳиндистон, Россия каби олтмишдан зиёд мамлакатдан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва экспертлар иштирок этди. Хорижлик экспертлар мамлакатимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан яқиндан танишиб, бу борада яратилган ўзимизга хос тизимни юксак баҳоладилар.

**Халқаро эътироф**

*— Ўзбекистонда шаҳарсозлик, уй-жой қурилишини ривожлантириш соҳасида улкан ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, шаҳарлашув масалаларини ҳал этиш ва қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини ошириш борасида салмоқли тажриба тўпланган. Ушбу амалиёт ва тажрибадан бошқа мамлакатларда ҳам энг яхши амалиёт сифатида фойдаланиш, ўйлайманки, ҳар томонлама фойдалидир.*

**Гулнора РОЛЛ,**
**БМТ Европа иқтисодиёт комиссиясининг**
**Уй-жой хўжалиги ва ердан фойдаланиш бўлими раҳбари.**



## Янги маҳалланинг довруғи

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари туфайли нафақат Андижон вилояти маркази, балки чекка қишлоқлар ҳам тобора обод бўлиб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Бунда намунавий лойиҳалар асосида барпо қилинаётган кўркам уй-жойлар муҳим омил бўлмоқда.

Дастлаб Асака туманининг Ниёзботир, Шаҳрихон туманининг Абудабий қишлоқларида, Олтинкўл туманининг Иттифоқ маҳалласида 60 та уй-жой қурилган эди. Бунинг учун жами 3 миллиард 332 миллион сўм сарфланган бўлса, шунинг 25 фоизи бошланғич бадал сифатида аҳоли томонидан йўналтирилди, холос. Қолган қисми эса "Қишлоқ қурилиш банк"нинг имтиёзли кредитлари эвазига молиялаштирилдики, бу қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини ошириш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайиб, вилоятнинг барча ҳудуди қамраб олинаётир. Узоққа бормайлик, биргина 2014 йилнинг ўтган даврида янги уй-жойларни бунёд этиш учун "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Андижон минтақавий филиали томонидан 58,6 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ, вилоятдаги 700 дан зиёд оилалар ўз уй-жойларига эга бўлишди.

— Барча шарт-шароит мавжуд, қулай ва замонавий уйларда яшашнинг ўзи бир бахт, — дейди Избоскан туманидаги Қўшкўприк мавзеида қад ростлаган уйлардан бирининг соҳиби Маъруфжон Комилов. — Касбим шифокор бўлгани учун инсон саломатлиги, айниқса, болаларнинг соғлиғи ҳамда руҳиятига тураржой, ундаги шарт-шароитлар таъсири катта эканлигидан хабардорман. Шу жиҳатдан олиб қараганда, уйлар ҳар томонлама пухта ўйланиб, лойиҳалаштирилган. Ҳатто хоналарга қуёш нурининг тушиши, ҳаво алмашиши ҳам эътибордан четда қолмаган.

"Қишлоқ қурилиш банк"нинг имтиёзли кредити туфайли уч хонали уйга эга бўлдик. Қаранг, бу ердаги шароит шаҳардагидан сира ям қолишмайди. Ошхона, ювиниш хоналари ичкарида. Меҳмонхона, болалар хонаси, ётоқхона, дам олиш хоналари алоҳида-алоҳида. Хоналари кенг, ёруғ, баланд. Баҳридилингиз очилади. Уч нафар фарзандимиз билан маза қилиб яшаяпмиз.

Бу мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлиги мевасидир, албатта.

**Бизнинг шарҳ**

*Андижон вилоятида 2009 — 2014 йиллар давомида 3 992 та замонавий уй-жой барпо этилиб, шунча оиланинг тураржойга бўлган эҳтиёжи таъминланди. Ушбу хонадонларда фаровонлик, тинч-тотувлик ҳукмрон бўлиб, одамларнинг юзкўзида бугунги ҳаётидан мамнунлик, эртанги кунга ишонч зуҳур этиб турибди. Ахир бу "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон ва унинг манфаатлари учун", деган эзгу ғоянинг яққол тасдиғи эмасми?!*

## Барча шароитлар муҳайё

Қашқадарё вилоятида ҳам шаҳар билан бўйлашаётган қишлоқлар йил сайин кўпайиб бораяпти. Қарши туманининг Мирмирон массиви қисқа муддатда бунёд этилган ана шундай обод манзиллардан биридир. Бу ерга илк маротаба келганлар аҳоли учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, "Шаҳардагидан қолишмайди-ку!" дейишмоқда.

Аслида ҳам, шундай. Мирмиронда замонавий уй-жойлар билан бир пайтда маҳалла гузари, тикувчилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари, бозорча, қишлоқ врачлик пункти ҳамда кўплаб савдо шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда улар аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Илгари биз, қишлоқ аёллари шаҳарликларнинг ошхонасидаги шароитни орзу қилардик. Мана, бугун шундай қулайликлардан баҳрамандмиз, — дейди намунавий лойиҳадаги уйларнинг бирида истиқомат қилаётган Лола Бабаева. — Табиий газ дейсизми, иссиқ ва совуқ сув дейсизми, буларнинг барчаси муҳайё. Мўъжазгина боғимиз бор. Кўчаларимиз равон, кечқурунлари ёруғ. Маҳалламизга ҳамма ҳавас билан қарайди. Шундай жойда яшаётганимдан фахрланаман. Орзуимиз рўёбида бизга яқиндан кўмак берган "Қишлоқ қурилиш банк" жамоасидан миннатдормиз.

Китоблик Юсуф Қудратовлар оиласи аъзоларининг ҳам бугун қувончи чексиз. Айниқса, хонадон бекаси Озода Аролованинг севинчи бир жаҳон. Сабаби, улар туманнинг Чармгар массивида қуриб битказилган уй-жойлардан бирига кўчиб ўтишди.

— Ўзимни дунёдаги энг бахтиёр аёллардан бириман, деб бемалол айта оламан, — дейди Озодахон. — Ҳавас қиладиган оилам, ширин-шакар фарзандларим бор. Улар билан шаҳардагидан қолишмайдиган кўркам уйларда яшаяпмиз. Бундан ортиқ бахт бўладими?!

**Бизнинг шарҳ**

*Қашқадарё вилоятида 2009 — 2014 йиллар давомида 4732 та оила барча қулайликка эга замонавий уй-жойларга кўчиб ўтди. Бунёдкорлик ишларида, асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли қурилиш материалларидан фойдаланилгани тураржойларни белгиланган муддатда мустаҳкам қилиб битказиш имконини берди.*

## Имтиёз, рағбат, қулайлик

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида дунё давлатларининг аксариятида қурилиш, хусусан, уй-жойлар қурилиши суръати кескин пасайиб кетган бир пайтда Ўзбекистонда бу борада жадал ўсиш кузатилаяпти. Бунда чекка ҳудудларда қад ростлаган замонавий ҳовли-жойларнинг улуши катта эканлиги эътиборга моликдир. Ахир бундай улкан лойиҳалар иқтисодиёти барқарор ривожланаётган давлатлардагина амалга оширилади.

Бухоро вилоятида ҳам барча қулайликка эга шинам уй-жойларга талаб ортиб бораётгани инобатга олиниб, қурилиш ишлари ҳажми ҳам шунга мос равишда оширилмоқда. 2009 — 2014 йилларда 3354 та тураржой фойдаланишга топширилгани бунинг яққол далилидир.

Реклама ўрнида

— Бухоро туманидаги Кўлба массивида замонавий уй-жойлар қурилишини эшитиб, бир қувонган бўлсак, шу хонадонлардан бирига кўчиб ўтганимиздан сўнг минг бора қувондик, — дейди Дилрабо Шукурова. — Айниқса, 2 нафар фарзандимизнинг севинганини айтмайсизми?! Ахир шу кунгача бундай уйни қуриш ва унда яшашни тасаввур ҳам қилмаганмиз. Бизга шундай тўкис ҳаёт кечиришимиз учун шароит яратиб берган Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз.

Янги барпо этилган тураржойларнинг қулайлиги ҳақида гап кетганда, яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Аввало, бундай уйлар учун тўлов бошланғич бадалдан сўнг "Қишлоқ қурилиш банк"нинг имтиёзли кредити асосида амалга оширилмоқда. Яъни иш ҳақидан кредитга тўланган маблағ даромад солиғига тортилмайди. Қолаверса, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй эгаларидан банк кредитини узиб бўлмагунга қадар ер ва мулк солиғи олинмайди. Бу ҳам янги уй эгаси учун катта енгилликдир.

Булардан маълум бўлаяптики, юртимизда қишлоқ жойларда замонавий тураржой массивларини барпо этиш бўйича ўзига хос тизим яратилган бўлиб, у тўлиғинча инсон манфаатларига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Пировардида халқимизнинг кўркам, шинам, инсон ҳаёти учун зарур барча шарт-шароитга эга замонавий уйлар соҳиби бўлишдек орзу ва ниятлари рўёбга чиқмоқда.

Зеро, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса, олий қадрият даражасига кўтарилган инсон манфаатларини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси учун шаҳарникидан қолишмайдиган даражада турмуш шароитини яратишдир.

**«Қишлоқ қурилиш банк» материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 952 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5